

Талабаларни маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга тайёрлаш

Сўнгги йилларда мамлакатимизда таълим тизимининг барча бўғинларида: ҳам моддий-техника таъминоти, ҳам илмий-маърифий жихатдан жиддий ўзгаришларга эришилмоқда. Чунончи, таълимнинг барча қирраларини ривожлантиришга қаратилган бир қатор қонунлар ва давлат дастурлари қабул қилинди. 1997 йилда Ўзбекистон республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», 2004 йилга келиб эса «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури», шунингдек, «Олий таълим муассасаларида илм-фанни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва дастури» каби ҳужжатлар таълим тараққиётига бўлаётган эътиборнинг Аниқ кўринишларидир. Олий таълим муассасаларида илм-фанни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва дастури бир томондан, мутахассислар, илмий ва педагогик кадрлар сифатини ошириш мақсадида илм-фанни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш заруриятидан; иккинчи томондан эса мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этишда, давлат илмий-техника ва фундаментал тадқиқотлар дастурларини амалга оширишда республика олий таълим муассасалари фаолиятини янада ошириш нуқтаи назаридан ишлаб чиқилди.

Маълумки, юқори малакали педагогик кадрларни тайёрлаш ва ёшларни педагогик фаолиятга жалб этиш учун унинг мақомини ошириш лозим.

Шунингдек, дастурларда илмий ва педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришнинг асосий вазифалари ва йўналишлари ҳам белгилаб қўйилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- узлуксиз таълим тизимини педагогик кадрлар билан тўлиқ таъминлаш.

Бундай тайёрлов нафақат давлат грантлари бўйича, балки минтақавий, ҳудудий ва тармоқ бошқарув органлари грантлари асосида ҳам олиб борилиши лозим;

- педагог кадрларнинг тайёрлашни ижтимоий, умуммиллий, психологик-педагогик ва мазмунини такомиллаштириш;

- муҳандис-педагог кадрларни янги технологиялар бўйича тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиш;

- педагог кадрлар тайёрлаш тизимида ахборот маданияти даражаси ўсишини таъминловчи моддий-техник база ва илмий-услубий назоратни ривожлантириш;

- педагог кадрларни тайёрлаш жараёнига янги ахборот технологияларини жорий этишни йўлга қўйиш, уларни тезкор тайёрлов ва қайта тайёрлов шаклларини кенгайтиш (жумладан, таълимнинг масофавий шакли ва очик таълимни ҳар томонлама ривожлантириш);

- ўқув жараёнида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш, интерактив таълим методлари ва усуллари, танқидий фикрлаш асосларининг педагоглар томонидан ўзлаштирилиши ва ўқув жараёнига жорий этилишини йўлга қўйиш;

- устувор йўналишлар бўйича педагог кадрларга бўлган талабни аниқлаш.

Узлуксиз таълимга оид қонунлар ва қонун ости меъёрий ҳужжатларда таълим мазмунини модернизациялашда ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш, таҳлил қилиш ва улардан унумли ҳамда ўринли фойдаланиш муҳимлиги таъкидланади.

Юртимиз таълим-тарбия, маънавий ривожланиш, илмий салоҳият борасида жуда кўп асрлар давомида тўпланган бой тарихий, миллий-маънавий, илмий-этник тажрибага эга.

Бугунги кунда республикада таълим тизимини ислоҳ қилиш, унинг мазмунини том маънода янгилаш, ўқитувчининг касбий билим ва тайёргарлигини ошириш сирасида жиддий педагогик изланишлар олиб борилмоқда. Булардан асосий мақсад, замонавий таълимнинг умумий йўналишини аниқлаш, бу борада ҳам дунё ҳамжамиятидан муносиб ўрин олишдир. Чунки, маълум даврда таълим тизими, жамият ҳаёти ва ижтимоий

буюртмадан ажралиб қолган эди, таълим мазмунидаги академизм, таълим назариясига оид концепциялар амалиётга тадбиқ этилмас, ўқув дастурлари марказлашган тарзда тузилар, таълимнинг миллий хусусиятга эга бўлган ўзига хос жиҳатлари инобатга олинмасди.

Талабаларни касбий-педагогик таълим жараёнида маънавий, маърифий ишларни ташкил этишга тайёрлашда, аввало, улар «маънавият», «маърифат», «маънавий тарбия» тушунчаларининг мазмун-моҳиятидан бохабар бўлишлари зарур. Шундагина, улар таълим муассасаларига ишга бориб, мустақил педагогик фаолият бошлаганларида, улардан таълим-тарбия олаётган ёш авлодни юксак маънавиятли инсон бўлиб камол топишида ўзларининг педагогик бурчларини самарали бажарган бўладилар. Умумтаълим мактаблари ўқитувчилари билан маънавий-маърифий тадбирларни ўтказишда ёш педагоглар, албатта, тажрибали ўқитувчилар билан яқиндан алоқада бўлишлари, улардаги илғор тажрибаларни сидқидилдан ўрганишлари лозим. Таъкидлаш жоизки, «маънавият» сўзининг негизида арабча «маъни» деган тушунча ётади. «Маънавий» сўзи «маъно»га алоқадорликни билдирса, «маънавият» «маънавий» сўзининг кўплигидир.

«Маънавият» сўзи негизи «маъно»га бориб уланар экан, унинг мазмуни, кўлами ва таркибини аниқлаш «маънавият» сўзини тўлароқ англашга ёрдам беради. «Маъно» моҳиятнинг ифодаланиш шаклидир. Аини пайтда, маъно, бир томондан моҳиятнинг шакли бўлса, иккинчи томондан, унинг ўзи сўз ва жумла учун мазмундир.

Халқимизнинг урф-одатлари, анъана, маросимларининг маънавият билан ўзаро узвийлиги шундаки, жамиятнинг тараққиёт даражасига мос келадиган анъана ва маросимлар маънавиятни бойитишга, ривожлантиришга хизмат қилади. +адим юртимиз тарихида шундай алломала етишиб чиққанки, улар ўзларининг илмий, таълимий-ахлоқий асарлари ва уларда баён қилинган дунёвий ғоялари билан бутун инсониятнинг фахрига айланган. Юсуф Хос Ҳожиб, Ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Аҳмад

Фарғоний Абу Али ибн Сино, Замахшарий, Имом Бухорий, Имом Термизий шулар жумласидандир.

«Маърифат» - (арабча - билмоқ) таълим-тарбия, иқтисодий, сиёсий, фалсафий, диний ғоялар мажмуи асосида кишиларнинг онг билимини, маданиятини ўстиришга қаратилган фаолиятдир.

Шундай экан, бўлажак педагогнинг ўзи олий ўқув юртида билим олиш мобайнида маънавий-маърифий тушунчалар маъно-мазмунини англаган, юксак маънавиятли шахс бўлсагина, ўз фаолиятида кўзлаган мақсадига эришади. Шундан келиб чиққан ҳолда, айтиш мумкинки, олий ўқув юртлари талабаларини маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга тайёрлаш масаласи улар олдига қатор талабларни кўяди. Бу талаблар: педагогнинг шахсий сифатлари, билимли бўлиши, кўникма ва малакаси, ташкилотчилиги, муомала санъатига муносабати, педагогик маҳорат, педагогик-психологик тайёрлиги, педагогнинг тарбиявий машғулотга тайёрлиги, ижодкорлиги, ўз-ўзини касбий ривожлантиришга, малака оширишга тайёргарлиги ва бошқалар.

Ўқитувчи одоби миллий ва умуминсоний ахлоқнинг қонуниятлари, мақсад ва вазифалари, тамойиллари, талаблари, тушунчалари ҳамда мезонларини таълим-тарбия жараёнида аниқлаштириб, ўқитувчининг ўқувчилар, ҳамкасблар, мактаб раҳбарлари ва ота-оналар, кенг жамоатчилик билан бўладиган муносабатларда намоён бўладиган ахлоқий хусусиятлардир.

Бўлажак ўқитувчида қуйидаги касбий ва шахсий сифатлар таркиб топганда, унинг таълим-тарбия жараёнидаги обрў-эътибори ортиб боради.

Бундай шахсий сифатларга: болажонлик, фаросатлилик, талабчанлик, виждонийлик, ўз касбига ихлослилик, ташаббускорлик, мафкуравий онглилик, қатъиятлилик, адолатлилик, самимийлик, миллатлараро бағрикенглик, бағаразлик, эртанги кунга ишончлилик, ватанпарварлик, поклик, озодалик, раҳмдиллик сингари фазилатларни киритиш мумкин. Бу фазилатларни ўзида шакллантирган педагог маънавий-маърифий ишларни

ташқил этишда қийналмайди. Ўз шахсияти билан ўқувчиларга ибрат намунаси бўлади.

Талабалар олий ўқув юртини битириб, таълим муассасаларида фаолият олиб борар экан, педагогик маҳоратни эгаллашлари муҳим аҳамият касб этади. Педагогик маҳорати ошиб боргани сари, улар мактаб ва мактабдан ташқари маънавий-маърифий ишларни ташқил этишда кўзланган самарага эришади. Ўтказилган маънавий-маърифий тадбирлар асосида, ўқувчиларда миллий истиқлол мафкурасини шакллантиради. Маънавий-маърифий ишлар тарбияда тизимли бўлиши керак. Ҳозирги жараёнида тобора муҳим аҳамият касб этаётган оммавий ахборот воситалари, илмий, бадиий адабиётлар, таълим муассасалари ва жамиятчилик орасида ўтказиладиган суҳбатлар, учрашувлар, мунозаралар ҳам маърифий ишлар тизимига киради. Жамият ривожлангани сари, маънавий-маърифий тадбирлар миқёси ҳам кенгайиб боради. Буларнинг барчаси юксак педагогик маҳоратни талаб қилади. Бунда ўқитувчи ўқувчиларни ўзига жалб қила билиш, ёшларни миллий одатларга руҳлантириш, олиш, ўзида том маънодаги зиёлилик фазилатларини такомиллаштириш, она тилида соф, гўзал ва ифодали сўзлаш, сабр-тоқатли бўлиш, болалар билан турли психологик вазиятларда йўл топиб, тиллаша олиш каби хислатларга эга бўлиши зарур.

Гулбаҳор Кенжаева,
Ўзбекистон Давлат Жаҳон
тиллари университети тадқиқотчиси.